Mas'uliyati Cheklangan Jamiyati shaklidagi "DAVR" auditorlik tashkiloti

ИЖОБИЙ ФИКР БИЛДИРИЛГАН
АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

Қашқадарё вилояти
«Дунё-М» Акциядорлик жамияти
бошқаруви раиси А.Т.Ашуров га

Буюртмачи манзили: Қашқадарё вилояти, Қарши шахри,Шайхали қўрғончаси Олтин бошоқ кўча 1- уй.
Хисоб рақами: 20210000000206194001. МФО: 00183; АТБ "Агробанк" Батош филиали.
СТИР: 201007054. ОКОНХ: .19211
Аудиторлик ташкилоти: MCHJ shaklidagi "DAVR" auditorlik tashkiloti.
Аудиторлик ташкилотининг бош директори- Мухитдинов Хуснитдин Толипович
Х/Р: 20208000900208423001. ДАТ "АСАКА" Банки Наманган бўлими. МФО:00231.
СТИР: 200050179. ХХТУТ: 84400. Тел: (0-369) 227-05-84.

Мен томонимдан, ЎзР Адлия вазирлиги томонидан 1993 йил 05 ноябрда руйхатдан ўтган, ЎзР Молия вазирлиги томонидан 2010 йил 29 ноябрда берилган "ЎзРнинг барча хўжалик юритувчи субъектларида аудиторлик текшируви ўтказиш буйича аудиторлик фаолиятини амалга ошириш хуқуқини берувчи" АФ №00005 сонли лицензияга эга булган MCHJ shaklidagi "DAVR" auditorlik tashkiloti аудитори Хусаинов Сохибжон, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2017 йил 17 январда берилган №05462-сонли малака сертификатига ва Қашқадарё вилояти «Дунё-М» Акциядорлик жамияти билан 2017 йил 31 январда тузилган 1/13 сонли шартномага мувофиқ хўжалик юритувчи субъект Қашқадарё вилояти «Дунё-М» Акциядорлик жамиятининг бухгалтерияси томонидан тақдим этилган, жамиятнинг ташкилий хукукий асослари хакидаги хужжатлар, бош китоб, асосий воситалар ва материал хисоботлар, дебитор-кредитор карзлар ва иш хаки хисоботлари, ишонч когози китоби, бошлангич бухгалтерия хужжатлари хамда молиявий хисоботлари (1-шакл "Корхона баланси", 2-шакл "Молиявий натижалар тугрисида хисобот", Пул окимлари тугрисидаги хисоботлар) хамда солик хисоботларидан иборат 2016 йил 31 декабр холатига тузилган молиявий хисоботнинг ишончлилигини мажбурий тарздаги аудиторлик текширувидан ўтказдим.

Хўжалик юритувчи субъект рахбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект рахбарияти бухгалтерия хисоби тугрисидаги конун хужжатларига мувофик молиявий хисоботнинг тайёрланиши ва хаккониилиги, хамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий хисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат. Мен Қашқадарё вилояти «Дунё-М» Акциядорлик жамиятининг илова килинган молиявий хисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдим. Аудиторлик текшируви молиявий хисобот ва бошка молиявий ахборотлар барча мухимлилик жихатлари буйича бухгалтерия хисоби тугрисидаги конун хужжатларига мувофиклиги ва хаккониилигини бахолашдан иборат. Мен аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофик утказдим. Ушбу стандартлар молиявий хисобот жиддий бузиб курсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва утказишни таказо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йуналтирилган аудиторлик амалларини утказишни уз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулохазамизнинг предмети хисобланади. Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий хисобот ишончлилиги тугрисида фикр билдириш учун етарлича асослаб беради деб хисоблаймиз.

Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча хужалик юритувчи субъект Қашқадарё вилояти «Дунё-М» Акциядорлик жамиятининг 2016 йил 31 декабр холатидаги молиявий хисоботи барча мухимлилик жихатлари буйича унинг молиявий холатини ва молиявий-хужалик фаолияти натижаларини хаккоий акс эттиради ва бухгалтерия хисоби тугрисидаги конун хужжатлари талабларига мувофик келади.

МЧЖ шаклидаги "DAVR"
Аудиторлик ташкилоти бош директори: **Х. Мухитдинов.**
Аудитор: **С.Хусаинов.**

«09» декабрь 2017 йил